

2/2023,  
mart-aprel  
(№ 00064)



## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

**Байбобоева Фируза Набижонова**

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти кафедра мудури, и.ф.н.,  
доцент. Ўзбекистон.*

**ORCID:** [0000-0003-1635-9109](https://orcid.org/0000-0003-1635-9109) [firuzanabijonovna@mail.ru](mailto:firuzanabijonovna@mail.ru)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i12](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i12)

### Аннотация

Ушбу мақолада молиявий хавфсизлик корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги тизимининг муҳим таркибий қисми эканлиги тавсифланган. Тадбиркорлик субъектларида молиявий хавфсизликни ташкил этиш жараёнининг умумий схемаси келтирилган. Ушбу схема орқали юзага келиши мумкин бўлган зарарни олдини олиш ва унинг минимал даражасига эришиш учун функционал таркибий қисмларни амалга оширишни ўз ичига олишлиги таърифланган. Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида молиявий хавфсизликни таъминлаш тизимини яратиш бўйича тизимли ёндашув зарур эканлиги кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** тадбиркорлик субъектлари, иқтисодий хавфсизлик, молиявий хавфсизлик, молиявий ресурслар, молиявий барқарорлик.

## ВОПРОСЫ ФИНАНСОВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРИ ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

**Байбобоева Фируза Набижонова**

*Заведующий кафедрой Наманганского инженерно-строительного института, к.э.н.,  
доцент.*

### Аннотация

В данной статье описано, что финансовая безопасность является важной составляющей системы экономической безопасности предприятия. Представлена общая схема процесса организации финансовой безопасности в предпринимательских субъектах. Эта схема описывает как включающая реализацию функциональных компонентов для предотвращения и сведения к минимуму потенциального ущерба. По результатам анализа показано, что необходим системный подход к созданию системы финансового обеспечения при осуществлении деятельности малого бизнеса и частного предпринимательства.

**Ключевые слова.** предпринимательские субъекты, экономическая безопасность, финансовая безопасность, финансовые ресурсы, финансовая устойчивость.

## ISSUES OF FINANCIAL SECURITY IN ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF BUSINESS SUBJECTS

**Bayboboeva Firuza Nabijonovna**

*Head of department Namangan Engineering-Construction Institute, PhD, docent. Uzbekistan.*

<http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>

## **Abstract**

This article describes that financial security is an important component of the enterprise economic security system. The general scheme of the process of organizing financial security in business entities is presented. This schema describes how to include the implementation of functional components to prevent and minimize potential damage. Based on the results of the analysis, it is shown that a systematic approach is needed to create a financial support system in the implementation of small businesses and private entrepreneurship.

**Keywords.** business entities, economic security, financial security, financial resources, financial stability.

## **Кириш**

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик муҳити учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакат иқтисодий қудратини ошириш учун тадбиркорлик кўламини кенгайтириш каби изчил ислохотлар доимий равишда амалга ошириб келинмоқда. Юртимизда тадбиркорлик соҳаси билан шуғулланувчилар учун ижтимоий-иқтисодий шароитлар яратилган бўлиб, улар ўз фаолиятини қонунийлик асосида ташкил этиш юзасидан кенг маънодаги ҳуқуқий база шакллантирилган.

Умуман олганда қабул қилинаётган қонун, қарор, фармон ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тадбиркорлик фаолияти ташкил этиш, бошқариш, молиявий қудратини ошириш, имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини белгилаб, соҳа истиқболини оширишга имкон яратади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда асосий элементи сифатида молиявий хавфсизликни таъминлаш омили алоҳида аҳамиятга эгадир.

Замонавий иқтисодий шароитда ҳар бир тадбиркорликка ихтисослашган субъект ўзининг молиявий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммосига дуч келади. Молиявий хавфсизлик корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий хавфсизликнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланмиш молиявий хавфсизлик қўйидагича тушунчалар билан тавсифланади:

- молиявий муносабатларнинг барча даражаларида корхонанинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- молия тизимининг иқтисодий тизимини самарали ишлаши ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш;
- тегишли молиявий ёрдамни шакллантириш туфайли тадбиркорлик субъектининг таҳдидларга қарши туриши;
- эҳтиёжларини қондириш ва мажбуриятларни бажариш учун корхонани етарли бўлган молиявий ресурслар билан таъминлаш;
- иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларнинг энг яхши қийматларида ифодаланган ресурслардан самарали фойдаланиш.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига таъсир этувчи турли таҳдидларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятли ҳисобланади. Баъзи бир назарий ёндашувларда кичик бизнес субъектлари ташқи ва ички таҳдидларга таъсири юқори даражага эга эканлигини қайд этилмоқда.

Замонавий бизнес дунёсида иқтисодий хавфсизлик маъмурий бошқарувнинг орган сари муҳим ва кўп мақсадли таркибий қисмига айланмоқда. "Хавфсизликка

тахдид” тушунчаси йилдан-йилга ўзгарувчан бўлиб бормоқда, янги омиллар ва элементлар доимий равишда таҳдидлар рўйхатига киритиб борилмоқда[1].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодчи олим О.В.Орлик ўзининг илмий қарашларида “иқтисодий хавфсизликнинг асосий таркибий қисмларидан бири молиявий хавфсизлик деб тушунилади: молиявий муносабатларнинг барча даражаларида корхонанинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси; молиявий тизим иқтисодий тизимнинг самарали ишлашини ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш қобилияти; бизнес субъектини молиявий хавфсизликни шакллантирилиши туфайли таҳдидларга қарши тура олиш қобилияти; корхонанинг ўз эҳтиёжларини қондириш ва мажбуриятларни бажариш учун етарли молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражаси; молиявий кўрсаткичларнинг энг яхши қийматларида ифодаланган ресурслардан самарали фойдаланиш ҳолати” [2] деб баҳолайди.

В.Сенчагов “агар иқтисодиёт ривожланмаса, унинг яшаб қолиш, ички ва ташқи таҳдидларга қаршилик кўрсатиш ва мослашиш имкониятлари кескин камаяди. Барқарорлик ва хавфсизлик ягона тизим бўлмиш иқтисодиётнинг энг муҳим хусусиятларидир” деб таъкидлайди[3].

Мертон ўзининг молиявий хавфсизликни таъминлашнинг функционал ёндашув асосларини шакллантиришда ўрта асосий таърифларни ажратиб кўрсатмоқда: молиявий хавфсизликни таъминлаш функционал бирлиги, универсал функционал тизим ва функционал эҳтиёжлар[4].

Л.И.Амирова ва бошқалар ўзларнинг назарий қарашларида “Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги - бу моддий, молиявий, кадрлар, техник ва технологик потенциаллар ва компаниянинг ташкилий тузилмасининг стратегик мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги туфайли рақобат ўстунликларининг мавжудлигидир” деб баҳоламоқдалар[5].

Иқтисодчи олим П.З.Хошимов ўзининг илмий қарашларида “Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлиги деганда, тадбиркорлик фаолияти субъекти амал қилишининг барча босқичларида, биринчи навбатда, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа салбий оқибатларга олиб келувчи ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофаза қилинганлигини тушуниш лозим” дея таъриф келтирган[6].

Бизнинг фикримизча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда асосий элементи сифатида молиявий хавфсизликни таъминлаш омили алоҳида ахамиятли ҳисобланади. Шу боис иқтисодий шароитда ҳар бир тадбиркорликка ихтисослашган субъект ўзининг молиявий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муаммосига дуч келади.

Молиявий хавфсизлик хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлиги тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, унинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш соҳада молиявий барқарорлик таъминлаш имконини оширади.

### **Тадқиқот методологияси**


Тадқиқотнинг методологик асоси тадбиркорлик субъектлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда молиявий хавфсизлик масалаларига бағишланган.

Таҳлил жараёнида таққослаш, тизимли таҳлил усулларида фойдаланилган. Кузатув методи орқали тадбиркорликнинг молиявий хавфсизлик ҳолати баҳоланган ва абстракт-мантиқий фикрлаш орқали тегишли хулосалар шакллантирилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлиги ва молиявий хавфсизлиги бир-бири билан ўзвий боғлиқ бўлиб, ўзаро таъсир кўрсатади ва бир-бирини тўлдиради. Тадбиркорликда молиявий хавфсизликни фақат барқарор ривожланиши асосида таъминлаш мумкин, бунда ички ва ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослаша оладиган молиявий механизмни амалга ошириш учун шароит яратилади. Молиявий барқарорликнинг оқилона даражаси корхонанинг молиявий хавфсизлиги учун мутлақ эмас, балки молиявий барқарорликнинг оқилона даражаси муҳимдир.

Тадбиркорлик субъектларида молиявий хавфсизлигини ташкил этиш жараёнининг умумий схемаси, шу жумладан юзага келиши мумкин бўлган зарарни олдини олиш ва унинг минимал даражасига эришиш учун функционал таркибий қисмларни амалга оширишни ўз ичига олади (1-расм).




**1-расм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида молиявий хавфсизлигини ташкил этиш жараёни**

*Манба: Муаллиф ишланмаси*

1-расмдан хулоса қилиш мумкинки, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида молиявий-иқтисодий хавфсизлигини ташкил этиш жараёни жуда кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бўлиб, у юқоридаги таркибий қисмларни ўз ичига олганда корхонанинг молиявий хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин.

Тадбиркорликнинг молиявий хавфсизлиги молиявий барқарорликдан ташқари бошқа салбий таъсир шароитлар мавжуд. Жумладан, тадбиркор манфаатларига зарар етказиш, ҳамкорлар, мижозлар, таъминотчилар, шартномаларни тўлаш мажбуриятларининг буюртмачилари томонидан бажарилмаслиги, товар етказиб бериш ва бошқалар натижасида келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётдаги инқироз ҳодисалари, бозор ўзгаришлари, табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар, лаёқатсиз бошқарув, ижтимоий танглик ва давлатнинг ноқулай иқтисодий сиёсати. Шундай

қилиб, тадбиркорликнинг молиявий хавфсизлик даражасига таъсир этувчи хусусиятлар қуйидагича таърифлаш мумкин (2-расм).



**2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий хавфсизлигига таъсир хусусиятлари**

*Манба: Муаллиф ишланмаси*

Молиявий хавфсизлик тадбиркорликни инқирозга юз тутишига олиб келади. Товар-пул муносабатларининг бузилиши, бозор иқтисодиёти ўзгаришлари, давлат органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг бузилиши, уларни корхона билан муносабатларда белгиланган ваколатлардан ошиб кетиши натижаси тадбиркорлик учун ҳақиқий хавф сифатида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш, молиявий ҳамда тижорат фаолиятига аралашади эса, тадбиркорлик мулкига тажовуз қилишнинг шакллари келтириб чиқаради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий хавфсизлигининг молиявий компонентини таъминлаш мажмуи қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- корхонанинг тўлов қобилияти ва унинг айланма маблағлар ликвидлигини юқори даражаси;
- самарали капитал таркиби;
- стратегик ва операцион режалаштириш, технологик, интеллектуал ва инсон салоҳиятини бошқариш;
- фойдани максималлаштириш ва бизнес рентабеллик даражасини ошириш мақсадида асосий ва жорий активларни таъминлаш;
- қимматли қоғозлар қийматининг ўсиши.

Бугунги кунда ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ўзининг узоқ муддатли стратегик режалаштириш асосида асос солинмоқда. Бунинг натижаси эса давлат томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватланиши, тадбиркорлик муҳитини яратилиши ва тадбиркорларнинг узоқ йиллик тажрибаларини оммалаштирилишидир.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий хавфсизликни таъминлашда функционал мақсадлар белгиланиши, унинг молиявий таҳдидларни башорат қила олиш ва уни бартараф этиш мумкин бўлади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида молиявий хавфсизликни

таъминлаш тизимини яратиш бўйича тизимли ёндашув зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Молиявий хавфсизликни таъминлашда қуйидаги омиллар элементларининг комбинациясидан иборат бўлиши зарур:

- ички ва ташқи хатарлар тизими;
- тадбиркорлик субъектларининг ўзаро таъсир қилувчи таркибий бўлинмалари ўртасида хавфларни тақсимлашнинг асосий тизими;
- тизимли таваккалчиликнинг самарали кўрсаткичи.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий хавфсизликни фақат барқарор ривожланиши асосида таъминлаш мумкин, бунда ички ва ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослаша оладиган молиявий механизмни тўғри ишлашини амалга ошириш имкониятини яратиш талаб этилиши керак. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий хавфсизлигига таъсир этувчи умумий хусусиятларни ҳисобга олиш орқали молиявий барқарорликни сақлаш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш имконини беради.

Таклиф ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, “Тадбиркорликнинг молиявий хавфсизлиги” тушунчасининг асосий муҳим хусусиятларини қуйидагича шакллантириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда молиявий хавфсизликни таъминлаш имконини оширади. Булар қуйидагилардир:

- молиявий хавфсизлик иқтисодий хавфсизлик тизимининг асосий элементи;
- молиявий хавфсизлик - корхона молиявий ҳолатининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тизими бўлиб, унинг молиявий хавфсизлик даражасини мажмуада акс этиши;
- молиявий хавфсизликни таъминлаш объекти унинг молиявий фаолияти давомида ҳимояни талаб қилувчи устувор баланслаган молиявий манфаатларининг шаклланган тизимини яратиши.

### **Фойдаланилган дабиётлар рўйхати**

1. Байбобоева, Ф. (2022). КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*, 10(3), 283-290.

2. О.В.Орлик. Финансово-экономическая безопасность предприятия и принципы ее обеспечения. Экономика и управление: теория и практика: сборник научных статей. – 2014. – Т. 2. – С. 287.

3. Сенчагов В. О сущности и основах стратегии экономической безопасности России // Вопросы экономики. -1995.-№1.-С.98

4. Merton, R. K. Social Theory and Social Structure. Enlarged edition.: The Free Press ; L. : Collier Macmillan Limited, 1968. – 666 p.

5. <https://3minut.ru/images/PDF/2015/17/factory-ekonomicheskoy-bezopasnosti.pdf>

6. П.З.Хошимов. Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва тизими. “Иқтисод ва молия” илмий журнали-Т.: 2015/11. 24-б